



Received: February 18, 2021
Accepted: March 22, 2021
Available online: March 25, 2021

Дармоний Ўраева

Бухоро давлат университети профессори
Филология фанлари доктори
Бухоро, Ўзбекистон

Darmonoy Urayeva

Professor, Bukhara State University
Doctor of Philological Sciences
Bukhara, Uzbekistan
E-mail: darmon.uraeva@mail.ru

Гулбаҳор Назарова

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси
Бухоро, Ўзбекистон

Gulbahor Nazarova

Senior Teacher, Bukhara State University
Bukhara, Uzbekistan
E-mail: gulbahorn@mail.ru

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТЛАРИДАГИ МИФОНИМ ВА МИФОЛОГИЗМЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

COMPARATIVE ANALYSIS OF MYTHOLOGICAL NAMES AND MYTHOLOGISMS IN THE ENGLISH AND UZBEK LITERATURE

АННОТАЦИЯ

ANNOTATION

Турли системадаги тилларда сўзлашиши ва бир-биридан анча узоқ масофада, бошқа-бошқа қитъаларда яшашига қарамай, инглиз ва ўзбек фольклори ҳамда адабиётида мифологик образлар ифодасида ўхшаш томонлар борлиги эътиборни тортади. Британия фольклори хилма-хил образларга бой ва ушбу образлар ўзига хос хусусиятлари билан нафақат инглиз, балки дунё адабиётида ҳам муайян ўринга эгадир. Бундай образлар серкирралиги – салбий ва ижобий хислатларни ифодалаши билан ажралиб туради. Дунёдаги қайси бир халқ адабиётига назар солмайлик, ушбу образлар қатнашган асотир, афсона ва эртакларнинг ўша тилдаги кўринишини учратишимиз, бундай образларнинг дунё адабиётидаги салмоғидан далолат беради.

Мифология, миф ва мифоним атамалари турли манбаларда турлича таърифланган. Мифонимлар турлари эса турли тадқиқотчилар изланишлари натижасида турлича таснифланган ва ҳар бири томонидан қиёсий ўрганилган. Ўрганишлар натижасида мифологиянинг ибтидоий дунёқараш тизими сифатида шакллانганлиги, аждодларимизнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига доир энг содда илмий талқинлар, шунинг-

It is surprising that in English and Uzbek folklore and literature there are similarities in the expression of mythological images, despite the fact that they are from different language systems and different continents far from each other. British folklore is rich in a variety of images, which, with their distinctive features, have a place not only in English but also in world literature. Such images are distinguished by their versatility and have both negative and positive character traits. No matter which world literature we look at, we can find the translation of myths, legends, and fairy tales in that language which is the indication of how important role such images have in the world literature.

The terms mythology, myth, and mythological names are defined differently in various sources. The types of mythological names, on the other hand, have been classified differently as a result of the research carried out by different researchers, each of which has been studied and analyzed comparatively.

Studies have concluded that mythology was formed as a system of primitive worldviews and encompassed the philosophical, moral, and social views of our ancestors, the simplest scientific interpretations of the universe and human life,

дек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли шакллари ўз ичига камраб олганлиги хусусида хулосалар берилган.

Ушбу мақолада миф, мифология ва мифоним атамаларининг таърифи, уларнинг турли тадқиқотчилар, олимлар томонидан берилган таснифлари тақдим этилган, инглиз ва ўзбек адабиётларида мифонимлар, мифологизмлар ҳақида маълумот берилиб, улардаги мутаносиб жиҳатларга асосий эътибор қаратилган. Хусусан, инглиз афсона ва эртақларидаги сеҳргар аёллар, эльфлар, гигант одамлар, троллар, гоблинлар образларининг турли хил кўриниш ва мақсадларда намоён бўлиши, уларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Инглиз ва ўзбек адабиётларидаги қушлар ва аждаҳдалар мифологизмлари қиёсий ўрганилиб, ушбу образларнинг бу икки тил адабиётида акс эттирилиши, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мифология, миф, мифоним, сеҳргар аёллар, эльфлар, гигант одамлар, троллар, гоблинлар, аждаҳо, бойқуш.

КИРИШ

Дунё адабиётида миф – асотирлар жуда муҳим ўрин тутди. Ҳар бир миллат адабиётида мифлар ва эртақлар миллатнинг яшаш тарзи, хусусиятларини ўзида мужассам эттириши аллақачон ўз исботини топган. Мифология адабиётшуносликда муҳим атамалардан биридир. Ушбу атама манбаларда турлича таърифланган. Мифология атамасига “Ўзбек миллий энциклопедияси”да шундай таъриф берилади: “МИФОЛОГИЯ (*миф... ва... логия*) — 1) муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуи. 2) мифларни тадқиқ этувчи, ўрганувчи фан, мифшунослик” [ЎМЭ, 2015; 649].

Шу ўринда яна бир қанча халқларга тегишли бўлган мифологияни, айниқса, қадимий юнон мифологияси, кельт мифологияси, ирланд мифологияси ҳамда ўзбек мифологиясини келтириш мумкин. Мифологиянинг негизи инсоният тараққиётининг илк – ибтидоий даврига бориб тақалади ва уни инсоният маънавий тараққиётининг асоси деб баҳолаш мумкин. Мифология ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишнинг асосий воситаси, бадий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланган.

“Ўзбек миллий энциклопедияси”да мифология ҳақида шундай фикрлар ҳам берилган: “*Мифологиянинг асосини қадимий одамнинг коинот, табиат, инсон, само жисмлари, нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар ташкил этади*” [ЎМЭ, 2015; 648]. Ушбу таърифда айтилганидек, даставвал

as well as the art of speech, rituals, and various forms of mythological thinking.

This article provides a description of the terms myth, mythology and mythological names, their classification by various researchers, as well as information about mythological images in English and Uzbek literature, and comments on their classifications. In particular, information on the history of its emergence, the appearance of the image of witches, elves, giants, trolls, goblins in English myths and fairy tales in different forms and purposes is given. The mythological images of birds and dragons in both English and Uzbek literature have been studied comparatively. The reflections on their similarities and differences in English and Uzbek literature have been analyzed.

Key words: mythology, myth, mythological names, witches, elves, giant people, trolls, goblins, dragons, owls.

мифология, асосан, инсоният ва унинг коинот, табиат ҳамда табиий ҳодисаларга оид миф ва асотирлардан иборат бўлган. Шунга асосан, қадимий мифларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) *қуёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астраль мифлар;*
- б) *оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар;*
- с) *одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар;*
- д) *қадимги эътиқодий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, ани-мистик ва култ мифлар.*

Бундан ташқари, мифларни мамлакатларнинг географик жойлашувига қараб ҳам бир неча турларга бўлиш мумкин. Масалан, деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган ҳудудларда табиий-иқлимий ўзгаришларнинг рамзий-метафорик талқинлари асосига қурилган тақвимий мифлар ва ўлиб тирилувчи табиат култлари ҳақидаги мифлар кенг тарқалган. Бу турдаги мифлар асосан Қадимги Миср, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Шу тариқа, Осирис, Дионис ва Сиёвуш ҳақидаги мифологик сюжетлар яратилган. Кейинчалик инсоният тафаккурининг тараққиёти натижасида мифология олам, жамият ва табиат ҳақидаги сюжетлар, мифологик образлар ва мифонимларни ўз ичига олган мукаммал системага айланган.

М.Жўраев ва Ж.Эшонкуловнинг “Фольклоршуносликка кириш” қўлланмасида мифлар қуйидагича таърифланади: “Миф қадимги одамнинг борлиқ ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган” [М.Жўраев ва Ж.Эшонкулов, 2017; 26]. Яъни, ибтидоий жамоа тузумида инсон онги тўла ривожланмаган бўлганлиги сабабали, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг сабабини мифологик тасаввурлар орқали изоҳлаган. Шунинг учун миф энг қадимги тасаввурлар жамланмаси ҳисобланади. Миф қадимги одамнинг онгсиз ҳиссий муносабати ифодасидир [М.Жўраев ва Ж.Эшонкулов, 2017; 27].

Миф атамасига М.СИ. Стеблин-Каменский қуйидагича таъриф беради: “Миф, бу – муайян воқелик баёни бўлиб, унда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодиса нечоғлик уйдирма бўлмасин, яратилган ва яшаб келган жойида у ҳамиша ҳақиқат, реал воқелик ифодаси сифатида қабул қилинган. Албатта, мифни ўрганадиган тадқиқотчи ундаги уйдирмага ишонмайди. Шунинг учун ҳам миф бугунги кунда ҳаққоний ҳаётий воқелик ифодаси сифатида англашилмайди. Шу тариқа тадқиқотчининг миф ҳақидаги ўз тасавури, яъни, “миф – уйдирмадир” деган қараши юзага келади. Яратилган ва оммалашган жойида миф аслида реал воқелик ифодаси деб тушуниланган [Стеблин-Каменский М.И, 1976; 4-5].

Мифология атамаси фалсафий қарашлар билан, хусусан, ижтимоий онгнинг анимизм, тотемизм, фетишизм каби қадимий шакллари билан чамбарчас боғлиқдир. Ибтидоий дунёқараш тизими сифатида шаклланган мифология қадимий диний эътиқодларнинг илк куртаклари, аجدодларимизнинг фалса-

фий, ахлокий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига доир энг содда илмий талқинлар, воқеликни онгсиз-хиссий англаш асосига қурилган рамзий-метафорик образлар, шунингдек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли хил шакллари ўз ичига камраб олган. Мифология ибтидоий инсоннинг илмий, диний, фалсафий ва бадиий қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ҳодисадир. Шу боис мифология фольклор, ёзма адабиёт, санъат ва маънавий қадриятларнинг шаклланиши учун илк замин вазифасини ўтаган. Мифологик тасаввурлар моҳиятини англаш ва уларни илмий талқин қилишга бўлган илк уринишлар антик давр олимлари томонидан амалга оширилган. Хусусан, Платон асотирларни фалсафий-рамзий нуқтаи назардан талқин қилган бўлса, юнон файласуфи Эвгемер (мил. ав. 3-а.) мифик образларни ўтмишда яшаб ўтган реал тарихий шахсларнинг тимсолий ифодаси деб билган. Ўн тўққизинчи асрнинг 1-ярмида Германияда “Мифологик мактаб” юзага келган. Мифологик мактабнинг назарий асослари немис филологлари ака-ука Я. ва В. Гриммларнинг “Немис мифологияси” китобида баён қилинган. Улар халқ эртакларини таҳлил қилиш жараёнида қадимий мифологик тасаввурларнинг эпик сюжетлар таркибидаги қолдиқларини аниқлаб, ҳинд-европа халқлари мифологияси ягона негизга бориб тақалади, деган муҳим илмий хулосага келганлар. Ушбу назарияни ривожлантирган А. Кун, В. Шварц, В. Манн-хардт (Германия), М. Бреаль (Франция), М. Мюллер (Англия), Ф.И. Буслаев, А.Н. Афанасьев, О.Ф. Мюллер, А.А. Потебня (Россия) каби олимлар мифларни қийслаб ўрганганлар. Кейинчалик жаҳон мифшунослигида кўплаб янги илмий йўналишлар юзага келди. Хусусан, инглиз қийсий этнографиясининг ютуқлари асосига қурилган “антропологик мактаб” (Э. Тэйлор, Э. Ланг, Г. Спенсер, Ж. Фрезер); миф ва маросимларни ўзаро узвийликда тадқиқ этган кембрижлик мифшуносларнинг “Ритуалистик мактаб”и –Маросимшунослик мактаби (Д. Харрисон, Ф.М. Корнфорд, А.Б. Кук, Г. Марри); ибтидоий маданиятнинг руҳий асосларини ўрганган француз этнологларининг “Ижтимоий мактаб”и (Э. Дюркгейм, Л. Леви-Брюль); мифологик тафаккурнинг интеллектуал ҳодиса сифатидаги ўзига хослигини ёритиб берган “Символистик мактаб” – “Рамзшунослик мактаби” (Э. Кассиер, В. Вундт, К.Г. Юнг – Германия); “Структуруал мактаб” (К. Леви-Стросс – Франция) вакиллариининг асарларида мифлар турли нуқтаи назардан таҳдил қилинган. Ўзбек мифологияси эса Ғ. Акрамов, Б. Саримсоқов, Т. Ҳайдаров, Т. Раҳмонов (миф ва эпос), М. Жўраев, Ш. Турдимов (ўзбек мифологиясининг образлар силсиласи ва генетик асослари), Ш. Шомусаров (ўзбек ва араб мифологияларининг қийсий таҳлили) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган [ЎМЭ, 2015; 650].

Мифология ҳақида сўз юритар эканмиз, фалсафадан тузилган қисқача луғатдаги мана бу таърифга эътибор қаратамиз: Мифология табиат кучларини жонлантириб кўрсатишга, уларни хиссий образлар, алоҳида вужудлар (одамлар, ҳайвонлар) шаклида тасвирлаб кўрсатишга асосланган. Яъни, ушбу таърифда мифология реал ҳаётда мавжуд бўлган кучларни жонлантириб, жонли мавжудотлар кўринишида тасвирлашни назарда тутди. Бундан ташқари, антик давр

мифологиясида ўша давр одамлари назарида бундай образлар ғайритабiiй эмас, балки реал мавжуд бўлган кучлар сифатида кўринган. Бу қахрамонларнинг жасоратлари ҳақиқат деб қаралган.

Р.З. Мурясов ўзининг “Тил тизимида мифонимлар” мақоласида “миф” лексемасининг замонавий ҳинд-европа тилларида турли хил маъноларда келишини ва унинг семантик ҳажми катталигини таъкидлайди [Р.З. Мурясов, 2015; 952]. Жумладан:

1. Инглиз тилидаги “Myth” 1. миф; 2. мавжуд бўлмаган тўқима образ ёки нарсаси.

2. Немис тилида “Mythe, Mythos, Mythus” 1. миф, эртак; 2. Миф, уйдирма, афсона.

3. Француз тилида “Mythe” – 1) миф, афсона; 2) уйдирма; 3) ҳикоя.

4. Рус тилида “Миф” :1) худо ва қахрамон маъбудлар ҳақидаги қадимий халқ эртаклари; 2) уйдирма, хаёлот, ёлғон; 3) Воқеликдан узилган бирор-бир воқеанинг нотўғри талқини каби изоҳларни келтирган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса: “Миф – 1. Қадимги кишиларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи. 2. Коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти ҳақидаги қарашлар мажмуи. 3. Маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади. Юқорида келтирилган турли миллат тилларида миф лексемасини қиёслар эканмиз, инглиз, немис ва француз тилларида мифга берилган таърифлар ўртасида ўхшашликларни кўришимиз мумкин” [ЎТИЛ, 2006; 2-жилд, 602–603]. Рус тилидаги изоҳ ҳам қисман юқорида айтиб ўтилган тиллардаги изоҳга мос келади. Ўзбек тилида эса миф таърифида коинот, табиат, ўсимликлар билан боғлиқ қарашлар мажмуи деб таърифланган.

Бундан ташқари, “Дунё халқлари мифлари” энциклопедиясида мифларга қуйидагича таърифланади: “... улар, авваламбор. дунё ҳодисалари ва инсониятнинг ҳатти-ҳаракатларини ифодоловчи антик, Инжилга оид ва бошқа қадимий ҳикоялар бўлиб, шу билан бирга, Қадимий юнон ва рим худо ва маъбудларининг жасоратлари ҳақидаги ҳикоялардир” [Мифы народов мира, 1991; 11]. Мифлар бир қатор тадқиқот йўналишлари: этнография, археология, фалсафа, адабиётшунослик, маданиятлар тарихи, лингвистика кабиларнинг ўрганиш объекти бўлиб келмоқда, зеро, “миф ижодиётига инсоният маданияти тарихининг энг муҳим омиллари сифатида қаралади” [Мифы народов мира, 1991; 11]. Мифларнинг турли тадқиқотчилар томонидан турлича таснифланган. Жумладан, М.Жўраев ва Ж.Эшонкулов мифларни қуйидагича гуруҳлайдилар:

1) ибтидо ҳақидаги мифлар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар);

2) самовий мифлар (осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги мифлар);

3) антропогеник мифлар (ғайриоддий хислатга эга бўлган афсонавий персонажлар ҳақидаги мифлар, масалан, Геракл, Гилгамеш, Одами Од, Ҳубби);

- 4) култ мифлари (муайян эътиқодий ишончлар билан боғлиқ мифлар, масалан, ҳосилдорлик култи, сув култи, ўсимли култи, олов култи ҳақидаги мифлар);
- 5) тотемистик мифлар (тотем – аجدод ҳақидаги қадимги тасаввурлар асосида келиб чиққан);
- 6) календар мифлар (йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ мифлар, масалан, аямажуз, аҳман-даҳман, чилла, тўқсон ҳисоби билан боғлиқ мифлар);
- 7) ўлиб тирилувчи мифлар (масалан, Сиёвуш ҳақидаги мифологик сюжетлар);
- 8) анимистик мифлар (жон тўғрисидаги қадимги тасаввурларни ўзида мужассамлаштирган мифлар);
- 9) монистик мифлар (аждодлар ҳомийлиги ҳақидаги мифлар);
- 10) дуалистик мифлар (эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги кураш ҳақидаги асотрий қарашларни ўзида акс эттирган мифлар);
- 11) эсхатологик мифлар (оламнинг интиҳоси, охир замон тўғрисидаги мифлар) [М.Жўраев ва Ж.Эшонкулов, 2017; 28].

Рус тадқиқотчиси Н.В. Шестеркина ўзининг “Миф как когнитивная парадигма” мақоласида мифларга қуйидагича таъриф берган: “Миф юнон тилида “сўз” маъносини билдиради. Аммо, маълумки, “сўз” маъносини яна “логос” ва “эпос” сўзлари ҳам беради ва улардан ҳар бирининг ўз қўлланиш соҳаси мавжуд: “миф” сўзнинг “ижтимоий ва семантик таранглик”ни англатса, “эпос” сўзнинг фонетик беағи мазмунида, “логос” эса элементларнинг бирламчи фарқини билдиришда ишлатилади” [Н.В. Шестеркина, 201; 40]. Замонавий фанда, “миф” сўзи икки хил маънода қўлланилади:

1) архаик тушунча – қадимги дунёнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар, табиий ва ижтимоий ҳодисалар, тирик мавжудотлар, инсон, жамият қоидаларини, шу жумладан, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ифодалайди;

2) вақт билан боғлиқ бўлмаган инсон тафаккурининг модели – архаик ва замонавий мифологияни ҳам ўз ичига олган барча муаммоларни акс эттирувчи парадигмалар мажмуидир.

Россиялик файласуф К.Г. Исуповнинг мифологизмлар ҳақидаги мақоласида уларга қуйидагича таъриф келтирилган: Мифологизмлар, бу – мифологик стереотипда моделлаштирилган бадий воқеликнинг сюжет-композицион қурилиши бўлиб, уларга фольклоризмлар ва историзмлардан фарқли ўларок, афсоналардаги рамзий вазиятлар, мотивлар ва қаҳрамонлар сифатида қаралади [К.Г. Исупов, 2009].

Мифонимлар атоқли отлар гуруҳига кириб, улар нореал, яъни, тўқима образлар номлари ҳисобланади. Кенг маънода эса мифонимлар миф, афсона ва эртақларда қўлланиладиган образ ёки жойларнинг тўқима номидир. Мифоним сўзи юнон тилидан кириб келган бўлиб, *mythos* – афсона, эртақ; *онута* – исм, ном маъноларини ифодалайди, яъни, ҳар қандай тоифадаги тўқима образлар номи деб тушунилади. Шу жумладан, мифонимлар таркибига олийжаноб ёки иблис сифатли персонажлар, табиий ҳодисалар, мавҳум тушунчалар, жой ном-

лари ҳам киритилади. Замонавий ономастикада мифонимларга қуйидагича таъриф берилган: “Мифонимлар афсона, эпоея, эртақ ва дostonлардаги ономастик борлиқнинг хоҳлаган турига тегишли бўлган атоқли отлардир [Подольская Н.В, 1988; 192].

Мифонимларнинг турлари ҳақида тадқиқотчилар ўз изланишлари натижасида турлича таснифларни тақдим этадилар. Масалан, теонимлар – худолар номлари, демонимлар – иблиссифат образлар номи, мифоантропонимлар – афсона ва эртақ қаҳрамонлари номлари, мифотопонимлар – афсонавий жойлар номи, мифозоонимлар – афсонавий ҳайвонлар номи, мифофитонимлар – афсонавий ўсимликлар номи каби... Буларнинг ҳар бири турли тадқиқотчилар томонидан қиёсий асосда ўрганилган. Жумладан, Москва давлат университети тадқиқотчилари В.В. Ощепкова ва Н.В. Соловьева мифонимларнинг бир тури спеллонимларни ўрганиб, Британия эртақларида спеллонимлар ва уларнинг этимологиясини таҳлил қилганлар ҳамда тадқиқот хулосаларига асосланган ҳолда, спеллонимларни мифонимларнинг бир тури сифатида муомалага киритилишини таклиф қилганлар [Ощепкова В.В., Соловьева Н.В, 2018; 73-87]. Спеллонимлар инглизча *spell* – ‘1. Афсун, жоду, сеҳр. 2. Дуо, куф-суф маъноларидан келиб чиққан бўлиб, сеҳрли хусусиятларга эга бўлган мавжудотлар номини англатади [Большой англо-русский словарь, 1987; 864]. Спеллонимлар икки гуруҳга бўлинади: 1) сеҳргарлар (magicians) номи ва 2) афсонавий персонажлар номи (magic creatures).

Британия эртақларида асосан кўп учрайдиган спеллонимлар *fairy* (пари), *witch, hag* (жодугар), *Queen Mab* (парилар ҳукмдори), *Elfland* (эльфлар салтанати), *Merlin* (сеҳргар), *Jack-in-Iron* (занжирбанд қилинган катта тўқмоқли йўл арвоҳи), *laidly worm* (бадбашара калтакесак), *gentle Annie* (мулойим Анна – шамолни назорат қила оладиган об-ҳаво париси) кабилардир. В.В.Ощепкова ва Н.В. Соловьева Британия эртақларидаги спеллонимлар этимологиясини чуқур ўрганиб, уларнинг келиб чиқишини, асосан, роман, герман ва кельт тилларига бориб тақалишини таъкидлаганлар. Тадқиқотчилар фикрича, Британия эртақларидаги спеллонимларнинг пайдо бўлиш негизи роман тили билан боғлиқ бўлса, уларнинг турлари герман ва кельт тилларига мансубдир. Масалан, *fairy* (пари) спеллоними роман тилидан кириб келган бўлса, унинг турлари ҳисобланган *boggart, brownie, pixie, bwca, blue cap, killmoulis* герман ва кельт тилларига мансубдир [Ощепкова В.В., Соловьева Н.В, 2018; 73–87].

Мифонимларнинг яна бир тури ҳисобланган теонимлар борасида қиёсий тадқиқот рус олимлари Н.С. Соловьев ва О.В. Акимова томонидан олиб борилган. Тадқиқотчилар асосан, инглиз ва рус тилларидаги теонимларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганган. Теонимлар мифонимларнинг бир тури бўлиб, юнонча *teo* – худо ва *пyтoс* – исм сўзларидан келиб чиққан. Яъни теонимлар худолар, худосимон қаҳрамонлар номидир. Образлар номи ва этиологиясига қараб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) мифологик ёки мифотеонимлар; 2) библеогик (Инжилга мансуб). Теонимларнинг яна бир тури *эйдоним*лар бўлиб, улар – антик мифлар, хусусан, юнон мифологиясига тегишли бўлган

теонимлардир. Н.С. Соловьев ва О.В. Акимова ўз тадқиқотларида мифонимларнинг қуйидаги денотатив-номинатив хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги таснифни келтирган:

- мифотеонимлар (худолар, худосимон қаҳрамонлар номи бирламчи маънода);
- мифоантропонимлар (афсоналарда учрайдиган киши номлари) – мифозоонимлар (афсонавий ҳайвон номлари);
- мифофитонимлар (афсоналар билан боғлиқ бўлган ўсимликлар номи);
- мифомонадонимлар (мифотопонимлар) (географик жойларнинг мифологик номи).

Мифотеонимларнинг ўзи икки гуруҳга бўлинган: 1) проприал мифотеонимлар (ёки худо номлари); 2) апеллятив мифотеонимлар (ёки худоларнинг умумий номи. Худди шундай таснифни А.А. Белецкий ҳам тақдим этган. Бироқ унинг таснифида бу турлар эйдомифотеонимлар ва геномифотеонимлар деб номланган ва эйдонимлар яна икки гуруҳга ажратилган: 1) антропонимлар (киши номлари, юнон. одам сўзидан); 2) монадонимлар (алоҳида объект, фактга берилган номлар, юнон. *monada*, бир маъносидан) [Белецкий А.А, 1972; 209].

Ўзбек тадқиқотчиларидан Б.М. Мирсанов немис ва ўзбек тилларидаги мифонимлар борасида иш олиб бориб, икки тилдаги мифонимлар тури ҳисобланган фитоним ва зоонимларни қиёсий тадқиқ этган. Тадқиқотчи ўзининг немис ва ўзбек тилларида мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар мавзусидаги мақоласида зооним ва фитонимларнинг муайян қисми мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсон фитоним ва зоонимлар таркибида учраган мифонимлар асосида яратилган иккиламчи номлашларда табиатда мавжуд бўлган ўсимликлар ва ҳайвонлар феъл-атворида, шаклида ва белги-хусусиятида мифологик образларнинг хусусияти билан ўхшашлик топади. Бунинг натижасида реал борлиқдаги ҳали номланмаган ўсимлик ва жонзотларга мифологик образлар номи берилади. Шу сабаб мифологик номлар денотативнинг номи сифатида ишлатила бошлайди [Мирсанов Б.М., 2019; 34–43]. Масалан, мажнунтол дарахти толдошлар оиласига мансуб манзарали дарахтдир. Бу фитоним мифоним, яъни, Мажнун образидан келиб чиққан. Мажнунтол мифофитоними Мажнуннинг ғамгин ва тушқун қиёфасининг рамзи сифатида юзага келган.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Британия фольклорида хилма-хил мифологик образлар мавжуд. Улар миф ва афсоналарнинг асосий қаҳрамонари сифатида бадий таъсирчанликни оширишга хизмат қилади. Британия фольклоридаги ушбу мифологик образлар асрлар давомида авлоддан-авлодга турли манбалар орқали ўтиб келмоқда. Ҳатто баъзи мифологик образлар ҳақидаги қарашлар ҳамон сақланиб қолганлиги билан эътиборни тортади.

Британия фольклорида энг кўп тарқалган мифологик образлар соҳиралар – сеҳргар аёллар, эльфлар, гигант одамлар, троллар, гоблинлар, аждаҳолар бўлиб,

улар бошқа миллатлар фольклорида ҳам учрайди. Ҳатто баъзилари, масалан, соҳиралар ва аждаҳоларни ўзбек фольклорида учратиш мумкин.

Инглиз мифологиясида орк (*orks*) номли персонажлар мавжуд бўлиб, улар асосан салбий характерга эга бўлган мифологик образлардир. Ўта аҳмоқ, ёвуз, қонхўр жаллод сифатида инглиз афсоналарида намоён бўлади. Орklar ёруғликни ёқтирмаганлиги боис ер остида, ғорларда яшайдилар, ер устига эса фақат тунда чиқишади. Орklar эльфлардан шаклланган бўлса-да, ёмон хусусиятларни ўзларида мужассамлантирганлиги билан улардан ажралиб туради. Инглиз афсоналарида орklar жангчилар ва доим душманига гуруҳ бўлиб ҳужум қилиб, ғалабага эришадиган образ кўринишида гавдаланади. Орklarнинг ташки кўриниши жуда хунук – тишлари катта, кўзларидан шавқатсизлик ёғилиб туради, териси тўқ жигар рангдаги махлуқотлар киёфасида гавдаланади [<https://listverse.com/2013/07/05/10-fascinating-creatures-from-british-isles-mythology/>].

Эльфлар (*elves*) Британия фольклорида ўзининг ғайриоддий хатти-ҳаракатга эгалиги сабабли аралаш хусусиятли, яъни баъзан меҳрибон, баъзан ёвуз мифологик характерда тасвирланади ва тасвирланади. Кўриниши ҳамда бўйи-бастаи нуқтаи назаридан Британия мифологиясида эльфлар Скандинавия оғзаки адабиётидаги эльфлардан фарқланади. Айтайлик, Британия мифологиясида эльфлар Англия графликларига мансуб кичкина, ёвуз ва бадбашара мавжудотлар сифатида келтирилади ва “пикслар” деб аталади. Инглиз мифларида эльфларнинг энг машҳур салбий хусусияти, яъни уларнинг ўғрилиikka мойиллиги экани таъкидланади. Аммо эльфларнинг оддий ўғрилардан фарқи шундаки, улар асосан янги туғилган чақалокларни ўғирлаб, ўрнида ўзларининг бадбашара, ёқимсиз йиғиси билан қишлоқ аҳлини кўркувга соладиган эльфчаларини ташлаб кетадиган мифологик образлардир [Alice Mills, 2003; 48].

Британия афсоналарида эльфларнинг бир неча турлари мавжуд. Троллар (*trolls*) ҳам эльфларнинг бир тури бўлиб, орklarга ўхшаб салбий характерли образ ҳисобланади. Улар, асосан, ғорларда, ташландик қулбаларда яшашиди. Аммо троллар кўпинча эски кўприклар остида йўловчиларга зарар етказиш мақсадида пойлаб турадиган мифологик образ сифатида тасвирланади. Кўприкдан ўтаётган йўловчилар ҳақ тўлашдан бўйин тортса, троллар уларни еб қўйишган. Одатда, троллар ғайриоддий кўринишда гавдалантирилади. Бунда оддий ва тоғ тролларининг кўринишлари фарқланади. Оддий троллар бир бошли бўлса, тоғ троллари баҳайбат, икки ёки баъзан уч бошли киёфа касб этади. Улар тентаклиги билан ажралиб туради. Троллар қуёш нурига чиқса, тошга айланиб қолади, шу боис ёруғликдан қочишга ҳаракат қилишади.

Баншилар (*Bunschi*) инглиз фольклорида аёл кўринишида тасвирланадиган ёвуз мифологик образлардан биридир. “Банши” сўзи ирландча *bean si* сўзидан олинган бўлиб, Ши қишлоғининг аёли маъносини ифодалайди. Бу мифологик образлар кўрқинчли кўриниши ва ёқимсиз овози билан характерланади. Улар хонадонларнинг эшиги остида туриб, ўша хонадон аъзоларининг ўлимини тилаш билан машғул бўладилар. Баншиларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг қонида ҳақиқий соф кельт қони оқиб туришини кўрсатиб туради.

Британия фольклорида кўп тарқалган мифологик образлардан яна бири великанлар – улкан одамлар (*giants*) ёки улкан одамлардир. Бундай одамлар бутун дунё оғзаки ижодида мифологик образ сифатида машҳур бўлиб келган, аммо энг машҳур гигантлар Британия фольклоридаги гигантлар образи ҳисобланади. Уларнинг икки хил кўриниши мавжуд. Афсоналарга асосан, уларнинг бири – жуда улкан, яъни ўта йирик кўринишдаги гигантлар, иккинчиси эса уларга нисбатан унчалик катта бўлмаган жонзотлардир. Масалан, Британия мифларида Сассекс графлигига қарашли Уильмингтон номи билан машҳур гигант етмиш метрлик бўлса, Дорсет графлигидаги эллик метрлик гигант Цернлик ундан кичикдир.

Кўпчилик тарихчи ва тадқиқотчиларнинг фикрича, гигантларнинг мегалитик иншоотларидан бири – Британияда жойлашган Стоунхенж бўлиб, бу иншоот тагига гигантлар ўлимидан кейин кўмилган деган тахминлар бор.

Инглиз мифологиясида яна машҳур ва кенг тарқалган мифологик образлардан бири – гоблинлар (*goblins*)дир. Улар кўриниши жиҳатидан одамга ўхшаса-да, жуда бадбашара ва қаҳрга тўла мифологик характерли махлуқлар ҳисобланади. Гоблинларнинг турар жойи, асосан, ер ости туннеллари, ғорлар, шунингдек, одамлар уйлари остидаги ертўлалар ёки дарахтларнинг ковакларидир. Гоблинлар доимо курашга тайёр образ сифатида гавдалантирилади, шунинг учун уларнинг қўлида ҳаммаша ятаган деб аталган севимли қуроли жангга шай туради. Бу типдаги мифологик образлар ҳам троллар каби қуёш ёруғлигидан кўрқишади ва шу боис доимо тунда ер остидан чиқишади.

Гоблинларнинг инглиз афсоналарида мифологик образ сифатида пайдо бўлиши ҳақида иккита тахмин мавжуд. Биринчи тахминга кўра, “гоблин” сўзи немис тилидаги “kobold” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ер ости руҳи” деган маънони ифодалайди. Иккинчи тахмин бўйича эса у грекча “гоплит” сўзидан олинган. Қадимий Грецияда ўз кучи ва матонати билан ёвларни қақшатган, қуролланган пиёда аскарларни шу ном билан аташган. Шундан келиб чиқиб, грекларда ғайриоддий кучга эга бўлган мифологик персонажлар гоплитлар номи билан машҳур бўлган.

Британия афсоналарининг яна бир машҳур қаҳрамони – хоббитлардир. Кўпчилик хоббитлар (*hobbits*) образини инглиз ёзувчиси Жон Толкин яратган деб ҳисоблайди. Аммо хоббитлар, аслида, бир неча асрлар олдин мифологик образ сифатида машҳур бўлган ва улар инглиз ижодиётида энг меҳрибон фаришта образи ҳисобланади. Хоббитлар қадимий мифларда ва шунингдек, ҳозирги замон эртакларида ҳам жуда камтарин образ сифатида тасвирланган. Улар тинч ҳаётни ёқтиришган ва асосий турар жойлари сокин, гуллаб-яшнаётган қишлоқ уйлари бўлган. Хоббитлар, асосан, паст бўйли, ҳатто гномлардан ҳам пастроқ, кўзлари ва қулоқлари ўткир, очиқ рангда кийинишни ёқтиришади. Улар кўпроқ яшил ва сариқ рангларга интилишади. Кўриниши мафтункор бўлмаса-да, хоббитларнинг чехрасида меҳрибонлик балқиб туради. Қолаверса, уларнинг доимий жилмайиб турадиган лаблари самимий эканликларидан дарак беради. Байрамларда совғалар тарқатиш, бу совғаларнинг одамлар ва асосан, болалар

томонидан жуда хурсандчилик билан қабул қилиниши ҳам хоббитлар билан боғлиқ хусусиятлардан биридир.

Ҳайвондан одамга ёки аксинча, одамдан ҳайвонга айланадиган мифологик образлардан бири, бу – афсун билан бошқа қиёфага кира оладиган одам, афсунгар (*warewolf*). Бу образлар нафақат инглиз, балки бошқа халқларнинг фолклоридида ҳам кенг тарқалган. Мумтоз мифларда улар чиябўри кўринишида тасвирланади. Афсунгарларнинг энг муҳим хусусияти – улар ҳеч қачон қаримайди ва танасидаги тўқималар регенарацияга учраганлиги сабабли ҳеч вақт касалликка йўлиқмайди. Қачонки юрагига ёки миясига кескин зарба берилсагина, улар ҳалок бўлади.

Инглиз фольклоридида яшил одам (*Jack-in-the-Green*) табиат тимсоли ҳисобланади. Бу мифологик образ илк бор кельт фольклоридида пайдо бўлганлиги тахмин қилинади. У фақат эркак киши қиёфасида гавдалантирилади. Унинг қиёфаси барглардан тузилган бўлиб, кўриниши яшил тусдалиги туфайли яшил одам дейилади. Бу образ Ўрта асрлар архитектураси ва рассомчилигида, шу билан бирга, инглиз асарларида кўп учрайди. Инглиз адабиётидаги машҳур поэмалардан бири – “Сэр Гавейн ва Яшил Рицарь”да яшил одам асосий қаҳрамон сифатида тасвирланган.

Британия фольклоридида энг кўп учрайдиган ижобий мифологик образлардан бири – феялар, яъни сеҳргар аёллар (*Fairy*) ёки парилардир. Сеҳргар аёллар инглиз афсоналарида учиб юрадиган ва қўлидаги сеҳрли таёқчаси билан мўъжизалар яратишга тайёр капалакча кўринишидаги образлардир. Одатда, сеҳргар аёллар ижобий характерга эга, улар фақат яхшилик ва эзгу ишларга тайёр турадилар. Аммо улар баъзан айёр ва маккор, шафқатсиз, баъзан эса меҳрибон кўринишда тасвирланади. Сеҳргар аёлларнинг кўнгли жуда нозик ва завқли туйғуларга бой, одатда, ўйин-кулгини, қўшиқ айтишни ёқтиришади. Шу билан бирга, улар жуда садоқатли ва донишманд бўладилар.

Браунилар (*brownie*) Британия мифларида ўзининг ҳеч кимга зарари тегмайдиган характери ҳамда кўнғир тусдаги уй қўриқчилари эканлиги билан ажралиб туради. Уларнинг исмлари рангидан келиб чиққан. Барча мифологик образлар каби браунилар ҳам кун ёруғидан қўрқишади. Манзилгоҳлари аҳоли яшовчи жойларга яқин ўрмонлардаги дарахт коваклари ёки уялардир. Агар уларга озор беришмаса, браунларнинг ҳеч қачон ҳеч кимга зарари тегмаган, аксинча, қўлидан келгунча ёрдам берган. Бу образларнинг характерли хусусияти шундаки, уларга ширинлик таклиф қилиш мумкин эмас. Улар буни қилаётган яхшиликлари учун мукофот деб ўйлаб, уйни тарк этиши мумкин. Зеро, браунларнинг ҳар бир ёрдами дўстона ва самимий ва бунинг эвазига бирор мукофот таклиф қилиш уларни хафа қилади.

Британия мифологиясида кенг тарқалган образлардан яна бири – гномлар (*gnomes*)дир. Гномлар аждарларнинг асосий душмани бўлиб, аждарлар билан тўқнашувда улар асосан ғолиб бўлиб чиқишади. Бу ғалабанинг асосий сабаби – гномлар ер ости ҳудудларида яшайди ва улар аждарлар қўриқлайдиган хазиналарни ўзлари билан олиб кетиш ва ер остида яшириш қобилиятига эга. Гномлар

ер ва тоғлар руҳи ҳисобланадилар ҳамда уларнинг ғайритабиий кучга эғалиги таъкидланади. Шунингдек, гномлар одамларга нисбатан анча узоқ яшашган. Фақат улар бирмунча инжиқ табиатга эга. Инглиз афсоналарида гномлар жуда инжиқ бўлиш билан бирга, гап кўтармайдиган, таъби нозик образ сифатида тасвирланади. Ер ости уйларида гномлар турли хил қимматбаҳо металл ва тошларни қўриқлаш билан банд бўладилар. Англияда гномларга нисбатан кулгили персонаж ва сеҳргар аёлларнинг бир тури сифатида қаралган. XX аср адабиётида Жон Толкин ва Клайв Луис мифологик асарларида гномлар немис афсоналарида акс эттирилган ғайриоддий характерли ва сеҳрли кучга эга бўлган персонажлардан фарқли равишда сеҳрли дунёнинг қўплаб образларидан бири сифатида тасвирланган. Толкин тасвирлаган гномлар бой ва сирли бўлиб қолмасдан, улар кўлида қурол, яъни болта кўтариб юрадиган жангари аскарлар қиёфасида ҳам гавдалантирилган. Немис эртақчилари ака-ука Гриммлар эртақларидаги кичкина гномлардан фарқли ўларок, Толкиннинг гномлари баланд бўйли, бир метрдан бир ярим метргача бўлган. Толкин гном образининг нафақат кўринишига, ҳатто характерли хусусиятларига ҳам ўзгача тасвир бағишлаган. Ўзининг “Зиндонлар ва аждарлар” ҳикоясида у гном архетипига батамом бошқача образ сифатида ёндашган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача гномлар образи адабиётда, кинофильмларда Фалстаф ва Портос архетипларининг бошқача кўриниши сифатида, яъни соқолли, жанговор руҳда ва бир оз қўпол табиатли образ қиёфасида тақдим этилган.

Афсонавий мифонимлардан бири – Алп-луакра (*The Alp-luachra*) бўлиб, у Ирландия эртақларида ёқимсиз кичкина мавжудот кўринишида тасвирланган. Кельт фольклорида эса у “пиширилган гўшт еювчи” қилиб кўрсатилади. Аммо у ўз номига мос гўшт еювчи эмас, балки ўз қурбони еган ва ҳали ҳазм қилиб улгурмаган овқатини унинг томоғини тишлаб, ичидан олиб еювчи ғалати махлук сифатида тасвирланади. Ирланд афсоналарида акс эттирилишича, Алп-луакра ўз мақсадига эришиш учун жуда жирканчли усулдан фойдаланган. Яъни, бирор-бир жонзотнинг ариқ бўйида уйқуга кетишини пойлаб, унинг томоғига ҳужум қилиб, унинг ҳали ҳазм бўлмаган овқати билан озиқланган [<https://listverse.com/2013/07/05/10-fascinating-creatures-from-british-isles-mythology/>].

Бундан ташқари, Ирланд афсоналарида вампирлар (*vampires*) образи ҳам энг кўп ёритилган мифонимлардан ҳисобланади. Вампирлар образи XXI асрга келиб, ўз машҳурлигини йўқотганганига қарамай, ҳали ҳам бир қўплаб халқлар адабиётида сақланиб келаётир. Ирланд мифологиясида вампирлар ҳақида ўзига хос афсона ва эртақлар мавжуд бўлиб, улардан бири Деарг-Дю ҳисобланади. Афсоналарда айтилишича, Деарг-Дю қачонлардир гўзал ва латофатли аёл бўлган ва у бир деҳқон йигитни севиб қолган. Аммо у бошқа бир кишига мажбурий турмушга берилаётган пайти ўз жонига қасд қилган. Дафн маросимидан кейин Деарг-Дю қабрдан чиқиб, ўзини шу чорасиз аҳволга солганликлари учун бутун оила аъзоларини бирма-бир ўлдириб, шу йўл билан улардан қаттиқ қасос олган [<https://listverse.com/2013/07/05/10-fascinating-creatures-from-british-isles->

mythology/].

Жек О'Кент ҳам Британия бадий тафаккуридаги мифоантропонимлардан биридир. Афсоналарда айтилишича, Жекнинг ақли ва зукколог шайтонга тенг-лашадиган даражада бўлса-да, баъзан ҳатто у ёмонлиги билан шайтонни ҳам ярим йўлда доғда қолдириши мумкин. Бир куни Жек шайтонга кўприк қуришда ёрдам беришини айтган, аммо кўприкдан ўтадиган биринчи жон шайтонники бўлиши келишилган. Бироқ кўприк қурилгандан сўнг, Жек суякни кўприк бўйлаб иргитиб юборган ва бир ит суякни олиш учун унинг орқасидан кўприк бўйлаб югурган. Шайтонга ваъда қилинган биринчи жон ит кўринишида бўлганлиги Жекнинг қанчалик зуккологини яққол кўрсатган.

Британиянинг ўз маҳобатли қадимий қалъа ва муҳташам қасрлари билан машҳурлиги маълум. Улар ҳақида турли мифотопонимлар ҳам яратилган. Шундай мифотопонимлардан бири Гламис қалъаси ҳақида бўлиб, унинг эгаси аслзода бир киши бўлганлиги айтилади. 1820 йили бу аслзода киши ўғил фарзанд кўрган, аммо бу фарзанд маълум бир сабабларга кўра, оила аъзолари томонидан рад этилган. Гламис қасрига ташриф буюрувчилар герцогнинг бу сирини фош этишга ҳаракат қилишган, лекин ҳеч қачон бунга эришолмаганлар. Тахмин қилинишича, герцогнинг бу фарзанди жуда бадбашара ва жирканч кўринишда туғилган. Бу ҳақда қалъага ташриф буюрувчилардан бири уни инсон кўринишдаги маҳлуқ деб тасвирлаган. Шу сабабли герцогнинг бу фарзанди Гламис қалъасининг яширин хонасида сақланган ва унинг тақдири ҳалигача номаълум қолган.

Шотланд афсоналарининг энг ёмон маҳлуқларидан бири Нукелави бўлиб, центаврнинг шотландча кўринишидир. Нукелавининг ягона мақсади – Оркни оролларида яшовчиларга зарар етказиш бўлган. Уни танасининг ярми – одам, иккинчи ярми эса чириган от каби тасаввур қилишган. Маҳлуқнинг бундай кўринишига тошқинлар, бахтсиз воқеалар ва ҳатто унинг ёмонлиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилган [<https://listverse.com/2013/07/05/10-fascinating-creatures-from-british-isles-mythology/>].

Инглиз оғзаки адабиётида аждар ёки аждарҳо (dragon), одатда, кўршапалак қанотларига ўхшаш қанотли, оғзидан олов пурковчи, аррасимон думли, тангача танли улкан калтакесак ёки илонсимон афсонавий маҳлуқ кўринишида тасвирланган. Ушбу мифологизмга бўлган ишонч одамларда ҳали қадимги улкан аждарсимон судралиб юрувчилар пайдо бўлмай туриб шаклланган [Boulay R.A., 1999; 36–40].

Инглиз тилидаги dragon сўзи юнонча *drakōn* сўзидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб ҳар қандай йирик илон кўринишидаги жонзотларга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик у мифологик образ, яъни аждарҳога нисбатан қўлланила бошлаган.

Умуман олганда, Яқин Шарқ дунёсида илонлар ёки аждарҳо ёвузлик рамзи ҳисобланган. Масалан, Миср худоси Анепи зулмат дунёсининг буюк илони сифатида тасаввур қилинган. Аммо юнонлар ва римликлар Яқин Шарқ афсоналаридаги илон образини ёвуз куч сифатида қабул қилсалар ҳам, аждарга ер тубида

яшовчи ўткир кўзли, фойда келтирувчи махлуқ сифатида қарашган. Европада эса аждарлар кўпроқ ёмонлик қилувчи ёвуз куч сифатида тасаввур қилинган. Хусусан, христиан дунёсида аждарлар гуноҳ ва бутпарастлик рамзи ҳисобланади. Шу сабабли кўпинча роҳиблар ёки жафокашлар оёғи остида ястаниб ётган аждар образи тасвири берилади.

Аждар мифологизмининг шакли ва хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар асрлар оша ўзгариб келган. Масалан, аждар тимсоли Англияда Норманлар истилосидан олдин қирол Артурнинг отаси Утер Пендрагон томонидан бошланган уруш давомида ушбу қиролликнинг рамзи деб белгиланган. Кейинчалик, XX асрга келиб, аждарҳо акси расман Уэлс князининг қурол-аслаҳаларини безаган тасвирлар орасидан жой олган.

Буюк Британияда аждаҳо мифологизми келиб чиқиши тарихининг хилма-хиллигига саксонлар, кельтлар ва норманларнинг таъсири борлиги тахмин қилинади. Бинобарин, Англия удумлари ва фольклорини тадқиқ этган Марк Александрнинг “Британия фольклори” (British folklore) китобида мамлакатнинг етмишдан ортиқ ҳудудида аждарлар билан боғлиқ афсоналар ва удумлар тарқалганлиги ҳақида маълумот учрайди.

Мамлакатдаги баъзи жой номлари таркибида аждар сўзи қўшилиб келган топонимлар билан аталадики, бундан уларнинг бевосита аждарлар ҳақидаги қадимий мифологик афсоналар таъсирида келиб чиққанлигини идрок қилиш мумкин. Масалан, тадқиқотчи Лесли Гринсининг “Британия тарихий жойлари фольклори” (Folklore of Prehistoric sites in Britain) асарида Британиянинг айрим ҳудудларида аждарларнинг тоғдаги яширин хазина кўрикчиси бўлганлиги тўғрисида афсоналар борлиги, уларнинг таъсирида Drakelow, Dragonhoard, Drake Howe каби жой номлари ҳам пайдо бўлгани, ҳатто Оксфорд шаҳри яқинидаги Dragon Hill деб аталадиган тепаликдаги қиятошда аждар расми ўйиб тасвирлангани ҳақида келтирган маълумотлари бу жиҳатдан эътиборлидир.

Ғарб ва Шарқ афсоналарида аждар мифологизмининг кўринишида ўхшашлик ва фарқли томонлар борлигини кузатиш мумкин. Масалан, Европа оғзаки адабиётида аждарлар икки турга ажратилган: 1. Қанотли ва уча олиш қобилиятига эга бўлган аждарлар (dragons). 2. Қанотсиз, фақат ерда судралиб юрувчи махлуқлар (monsters) [Scrace C., Legg G., 2006;10–15].

Биринчи турдаги аждарлар икки ёки тўрт оёқли кўринишда бўлиб, тўрт оёқлилари ўткир тирноқли, арра-арра шаклдаги қанотлари бор, олд оёқлари орқа оёқларидан калтарок, букилувчан узун думли, катта бошли, улкан оғзи ўткир тишларга тўла, қоронғуда ҳам яхши кўра оладиган ўткир кўзли, икки шохли кўринишда тасвирланади.

Икки кўзи орасида кўзга ўхшаш қимматбаҳо тош деб таърифланган учинчи кўзи бор аждаҳолар dracontia деб юритилади. Уларнинг танаси яшил тусли тангачалар билан қоплангандир. Танасининг ички томони эса оч сариқ тусда бўлса, устки қисмида бошидан думигача ўткир нишлари, кўршапалак қанотларига ўхшаш ярқираб турувчи ва енгиш мушкул бўлган ёйилувчан, баҳайбат қанотлари борлиги айтилади.

Англияда аждар мифологизмининг, асосан, хазина кўриқчиси сифатидаги бадий вазифаси талқини кенг тарқалган бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи Қадимги Рим ва юнон афсоналаридаги муқаддас жойлар ва кўрғонларни кўриқловчи илонлар образи билан боғлиқлиги тахмин қилинади.

Британия фольклорида аждарҳолар ҳақидаги афсоналарнинг энг қадимги илдизи бу курт (инг.worm) сўзига бориб тақалади. Негаки, бу сўз норманча ва англо-саксонча Wurm ёки wurm сўзидан келиб чиққан. Кўриниши жиҳатидан куртлар қанотсиз, оёқ-қўлсиз, танаси майда тангачалар билан қопланган, улкан илонга ўхшаш, заҳарли нафаси билан кўрқитувчи, бир зумда майда бўлақларга бўлиниб, яна бирлашиш каби сирли қобилятга эга бўлган мавжудот сифатида акс этади. Хусусан, Ламбтон исмли афсонавий курт образи худди шундай кўринишга эга бўлган Лосчи тепалиги аждарҳоси ҳисобланган. Инглиз афсона ва эртакларида бу турдаги аждарҳолар ёш қаҳрамон образига рақиб сифатида келтирилиб, инсон куч-қудратини, зўрлигини контраст усулида улуғлашга хизмат қилган. Масалан, аждарҳолар хазина ёки асирга олинган қизларни, қудук, чашма ва ғорларни кўриқлаш вазифасини бажаришади. Шу асосда қадимги инсонларнинг ер энергияси ҳамда ер ости кучларининг мавжудлиги ҳақидаги қадимги диний эътиқод ва қарашлари ифода этилганлиги аёнлашади.

Англия Жанубидаги Сассексда, Лиминстер черкови яқинида Наккер Ҳоулс номи билан машҳур бўлган тубсиз ҳовуз Наккер исмли куртсимон аждарнинг макони бўлганлиги ва бу аждар Сассекс қиролининг қизига ошиқ бўлгани, уни қаҳрамон йигит ўлдириб, бечора қизни қутқаргани айтилади.

Уэлс фольклорида аждар мифологизми рангига кўра фарқланади. Унда қизил ва оқ аждар образлари тўғрисида сўз юритилган. Қизил аждарни ўз миллий ғурури тимсолида қабул қилган уэлсликлар уни мамлакат байроғида ҳам акс эттиришган.

Қизил ва оқ аждар образи Британия адабиётининг илк намуналарида ва уэлс мифологиясининг муҳим тўпламларидан ҳисобланган “Мабиногион” (“The Mabinogion”) асарида ўз аксини топган. XII–XIII асрлар мобайнида тўпланган миф, афсона ва эртаклар асосида яратилган бу асар дунёга машҳур асарлардан бири бўлиб, ўз ичига кельт раҳнамоси Қирол Артур ҳақидаги афсоналар билан бирга машҳур эртакларни ҳам қамраб олган. Жумладан, бу тўпламда “Ллудд ва Ллефелис” номли машҳур эртак бўлиб, унда қизил аждарнинг оқ аждар устидан қозонган ғалабасига оид аёвсиз жанг тафсилотлари тасвирланган. Эртакда қаердандир Францияга келиб қолган жуда кўрқинчли аждарҳонинг қичқириқларидан чўчиган хомиладор аёлларнинг ҳатто қорнидаги боласи ғойиб бўла бошлайди. Яна бу аждарҳо чорва молларини қириб, экинларни пайҳон қилаверади. Унинг бу каби ёвузликларидан мамлакат қироли қаттиқ таҳликага тушади. Ниҳоят, ватани ва элини ушбу таҳликадан қутқаришга бел боғлаган Буюк Британия қироли Ллудд Францияга укаси Ллефелис ёнига маслаҳат сўраб келади. Ллефелис акасига бир чуқур қазиб, уни ўт-ўланлар билан тўлдириш ва устини мато билан ёпиб қўйишни маслаҳат беради. Ҳақиқатдан, оқ аждар қазилган чуқурга сув ичиш мақсадида кирганида, тузукқа тушиб қолади. Ллуд

пайтдан фойдаланиб, аждарни тутиб олади ва Уэлсдаги Динас Эмрис кўргонига камаб қўяди.

Афсоналарда оқ аждар бешинчи асрда Англияга ҳужум қилган герман англо-саксонлари ва саксонлар қўмондони Вортигерн тимсоли сифатида ҳам талқин қилинган. Шунинг учун Қирол Артур байроғида унга қарши қизил аждар тимсоли гавдалантирилган.

“Ллудд ва Ллефелис” афсонаси Британия кельтлари билан Гаул (ҳозирги Франция) ўртасида азалдан яқин алоқалар мавжуд бўлганлигини таъкидлаш ба-робарида аждарлар ҳақидаги тасаввур-тушунчаларнинг ҳам жуда қадимийлигига ишора қилади.

Аждар мифологизми акс эттирилган яна бир қадимий эпик асар “Лоши тепалиги аждари” (“The Dragon of Loschy Hill”) деб номланган йоркшаер афсо-насидир. Бу афсона Реверенд Томас Паркинсон томонидан 1888 йили чоп этил-ган “Йоркшаер афсона ва удумлари” (“Yorkshire Legends and Traditions”) кито-бида келтирилган. Паркинсоннинг таъкидлашича, Стоунгрейв яқинидаги Лоши тепалигидаги ўрмонзорда улкан аждар яшаган ва у доимо қишлоқ аҳолисини ўзининг даҳшатли кўриниши ва ўкиришлари билан кўрқитиб келган. Шу сабаб-ли жасур рицар Питер Лоши уни ўлдиришга қарор қилади. Питер ўзига бир тўда хушёр итларни эргаштириб, зарур қурол-аслаҳаларни олиб, аждарни излашга тушади. Аждарни топгач, унга ҳужум қилади, лекин аждар ўлжасининг кучли-лигидан беҳабар ҳолатда уни ўз домига тортмоқчи бўлади. Питер ўз найзалари билан етказган жароҳатларининг негадир аждарга зарар етказмай, тезда битиб қолаётганидан ҳайратга тушади. Аммо бу сирли куч уни саросимага солмайди ва жасур рицар аждарни бурда-бурда қилиб ташлайди. Аждарнинг майдаланган бўлакларини Питернинг итлари Наннингтон черковига олиб келади. Рицар Лоши шунчалик қувончга тўлганлигидан танасини аждар пуркаган заҳар қоплаб ол-ганлигини сезмайди. Заҳар таъсирида рицар ва унинг вафодор итлари черков ёнида ҳалок бўлишади. Ватанини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган рицар ва унинг итлари Стоунгрейвнинг Наннингтон черковида дафн этилади. Қабр тошида эса унинг аждар билан олишуви ҳақидаги ҳикоя мазмуни барчага аён бўлиши учун тошга ўйиб ёзилган ва ҳозиргача сақланиб қолган.

Инглиз адабиётининг тамал тоши ҳисобланган “Беовульф” достони-да ҳам асосий образлардан бири аждар мифологизмидир. Йўқолиб кетган қабиланинг хазинасини топиб олган оғзидан ўт пурковчи аждар олтин ва гавҳарларни кўриклаш учун кириш жойи сирли бўлган ер остидан макон куради. “The dragon guards an underground barrow full of treasure, which is accessible only by a secret passage. One day a slave, fleeing a beating, finds his way to the passage and sees the dragon. Despite his terror the man steals a cup from the treasure” [Heaney Seamus., 2007; 222–228].

Аждарҳо очкўзлиги боис одамларга хос бўлган яхшилик ва эзгуликка ҳамиша қарши бўлади. У олтин хазинасига ўғрилик уюштирилгандан кейин жазавага тушиб, Гит салтанатига ҳужум қилади. Бу салтанатнинг қироли Бео-вульф ўз элининг тинчлиги бузилганидан ғазабланиб, ғаламис аждарҳога қарши

курашга отланади. “The throne comes to Beowulf, who rules as a great, wise, and prosperous king for fifty years. But then Beowulf’s reign is disrupted by the appearance of a dragon” [Heaney Seamus., 2007; 222–228].

Беовульф жангчилари билан аждарнинг маконига яқинлашганида уларни ташқарида қолдириб, ўзи ичкарига киради ва аждарни уйғотиш учун қичқиради. Аждархо уйғониб, оғзидан ўт пуркаб, Беовульфга хужум қилади. Беовульфнинг қилич-қалқони уни узоқ ҳимоя қилолмайди ва аждарнинг пуркаган оловларидан ҳушсиз йиқилади. Буни кўрган ўн жангчи қочиб қолади ва фақатгина Виглаф исмли жасур жангчи Беовульфга ёрдамга шошилади. Бу курашда Беовульф ва Виглаф биргаликда ғолиб бўлиб, мамлакатини аждардан қутқаради. Аммо аждар хужуми вақтида заҳарланган Беовульфнинг бўйни шишиб кетиб, у қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

“Quickly, the dragon came at him, encouraged
As Beowulf fell back; its breath flared,
And he suffered, wrapped around in swirling
Flames – a king, before, but now
A beaten warrior. None of his comrades
Came to him, helped him, his brave and noble
Followers; they ran for their lives, fled
Deep in a wood. And only one of them
Remained, stood there, miserable, remembering,
As a good man must, what kinship should mean”.
(Seamus Heaney, Beowulf)

ХУЛОСА

Британия фольклори ва адабиётида мифоним ва мифологизмларнинг ўрни жуда катта. Юқорида таснифланган мифологик образлар инглиз асотири, афсона ва эртакларида бир неча асрлардан буён яшаб келмоқда. Бу образлар ўзининг серкирралиги ва ғайриоддий қобилиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Улар иштирокидаги асарлар ўзига хос бадиий таъсирчанликка эга. Инглиз оғзаки адабиётида аждар образи алоҳида ўринга ва ўзига хос рамзий-тимсолий талқинларга эга бўлиб, кенг тарқалганлиги кузатилади. У гоҳ салбий, гоҳ ижобий хусусиятларда акс эттирилади. Ирланд, уэлс, келт афсоналарида аждарлар бир-биридан фарқ қилади, улар турли кўринишларда акс эттирилса-да, бироқ кўп ҳолларда ғоявий-бадиий вазифаларининг муштараклиги кузатилади. Инглиз фольклоридаги аждар мифологизмининг келиб чиқиш илдизлари бир томондан, қадимги рим ва юнон афсоналарига ҳам бориб тақалади. Аждар билан боғлиқ асотирий ва афсонавий қарашлар, эътиқодий тушунчалар унинг айрим мамлакатларда давлат, куч-қудрат рамзида қабул қилинишига асос яратган.

Хулоса қилиб айтганда, миф, мифоним ва мифологизмлар кенг камровга эга ва улар кўп асрларлар давомида турли халқлар адабиёти намуналарида қўлланилган ҳамда бу халқларнинг яшаш тарзи ва бошқа кўплаб хусусиятларини ўзида мужассам этиб келмоқда.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *A dictionary of English and Folk names of British birds*. (2016). https://www.forgottenbooks.com/en/books/ADictionaryofEnglishandFolkNamesofBritishBirds_10193990
2. Akhmedova, M. B. (2020). Typological Aspects of Adequate Translation Methods of "Spirituality" Nominative Units into English. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24 (3), 386-393. <https://elibrary.ru/item.asp?id=43255744>
3. Beleskiy, A.A. (1972). *Leksikologiya i teoriya yazikoznaniya (onomastika)*. Kiyev. 209 p.
4. *Bolshoy anglo-russkiy slovar*, pod red. Galperina, I.R., Amosovoy, N.N., Apreyana, Yu.D. (1987). Moscow. Russkiy yazik, 864 p.
5. Boulay, R.A. (1999). *Flying Serpents and Dragons* (pp. 36-40). The Book Tree. USA.
6. Ellis Davidson, H.R. Myths and Symbols in Pagan Europe: *Early Scandinavian and Celtic Religions*.
7. Heaney, S. (2007). *Beowulf* (pp. 222-228). Faber & Faber. England. <https://www.scuc.txed.net/site/handlers/filedownload.ashx?moduleinstanceid=60219&dataid=104195&FileName=Seamus%20Heaney%20Beowulf%20full%20text.pdf>
8. Jurayev, M., & Eshonkulov, J. (2017). *Folklorshunoslikka kirish*. O'quv qo'llanma. Toshkent. Barkamol fayz media. 26 p.
9. Lewis, D. Owls in Mythology and Culture. *The Owl pages*. <https://www.owlpages.com/owls/articles.php?a=62>
10. Mamadaliyeva, Z. *Qaqnus timsoli talqinlari*. Mumtoz adabiyotda qushlar obrazi. Xurshid Davron kutubxonasi. www.kh-davron.uz
11. Mirsanov, B.M. (2019). Nemis va o'zbek tillarida mifonimlar asosida shakllangan ikkilamchi nomlashlar. *Xorijiy filologiya*, 4, 34-43.
12. Mohamed Eric, R.L. (2013). *Birds and Bird-lore in the Literature of Anglo-Saxon England*. Submitted for the degree of Ph.D., University College. London. https://discovery.ucl.ac.uk/id/eprint/1431318/1/Mohamed_Eric_Rahman_Lacey_Corrected_Final_Thesis.pdf
13. Muryasov, R.Z. (2015). Mifonimi v sisteme yazika. *Filologiya i Iskuststvedeniye*. Vestnik Bashkirskogo Universiteta, 3, 952 p.
14. Nazarova, G.P., Umurova, Kh.H., & Kasimova, N.F. (2020). Peculiarities of the Mythological Images of the British Folklore. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29 (8), 1614-1618. ISSN: 2005-4238 IJAST Copyright 2020 SERSC
15. *O'zbek tilining izohli lug'ati*. (2015). 2-tom. M harfi. Toshkent: O'zbekiton Milliy Ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti,. 649 b.
16. Oshepkova, V.V., & Solovyova, N.V. (2018). Spellonimi v sisteme mifonimov britanskoy narodnoy skazki. *Vestnik Moskovskogo gosudarstvennogo oblastnogo universiteta*. Seriya: Lingvistika, 2, 73-87. <https://doi.org/10.18384/2310-712X-2018-2-73-87>
17. Podolskaya, N.V. (1988). *Slovar russkoy onomasticheskoy terminologii*. Moskva. 192 p.
18. Scrace, C., & Legg, G. (2006). *Dragons*. Book House. Great Britain. 10-15.
19. Shesterkina, N.B. (2011). Mif kak kognitivnaya paradigm. *Voprosi kognitivnoy lingvistiki*. Obshherossiyskiy akademicheskii nauchniy jurnal (2, 40 p.). Tambov, Rossiya.
20. Steblin-Kamenskiy, V.I. (1976). *Mif*. L: Nauka, 4-5.
21. The Morrigan: Phatom Queen and Shape-Lifter. Irish myth and legends.
22. www.ziyouz.com
23. www.britannica.com

REFERENCES

1. *A dictionary of English and Folk names of British birds*. (2016). https://www.forgottenbooks.com/en/books/ADictionaryofEnglishandFolkNamesofBritishBirds_10193990
2. *A large English-Russian dictionary*, ed. Galperina, I.R., Amosova, N.N., Apreyana, Yu.D. (1987). Moscow. Russian language, 864 p.
3. Akhmedova, M.B. (2020). Typological Aspects of Adequate Translation Methods of "Spirituality" Nominative Units into English. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(3), 386-393. <https://elibrary.ru/item.asp?id=43255744>
4. Belesky, A.A. (1972). *Lexicology And the theory of linguistic knowledge (onomastics)*. Kiev. 209 p
5. Boulay, R.A. (1999). *Flying Serpents and Dragons* (pp. 36-40). The Book Tree. USA.
6. Deane, L. *Owls in Mythology and Culture*. The Owl pages. <https://www.owlpages.com/owl/articles.php?a=62>
7. Ellis, D.H.R. *Myths and Symbols in Pagan Europe: Early Scandinavian and Celtic Religions*.
8. Heaney, S. (2007). *Beowulf* (pp. 222-228). Faber & Faber. England. <https://www.scuc.txed.net/site/handlers/filedownload.ashx?moduleinstanceid=60219&dataid=104195&FileName=Seamus%20Heaney%20Beowulf%20full%20text.pdf>
9. Jurayev, M., & Eshonkulov, J. (2017). *Introduction to folklore studies*. Barkamol fayz media. 26 p.
10. Mamadaliyeva, Z. *The expressions of the symbol of qaqnus*. The image of birds in classical literature. The library of Khurshid Davron. www.kh-davron.uz
11. Mirsanov B.M. (2019). English and German secondary namings formed based on mythonyms. *Foreign philology*, 4, 34-43.
12. Mohamed Eric, R.L. (2013). *Birds and Bird-lore in the Literature of Anglo-Saxon England*. Submitted for the degree of Ph.D., University College. London. https://discovery.ucl.ac.uk/id/eprint/1431318/1/Mohamed_Eric_Rahman_Lacey_Corrected_Final_Thesis.pdf
13. Murasov, R.Z. (2015). Mythonyms in the system of a language. *Filology and art*. Bulletin of the Bashkir University, 3, 952 p.
14. Nazarova, G.P., Umurova, Kh.H., & Kasimova, N.F. (2020). Peculiarities of the Mythological Images of the British Folklore. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(8), 1614-1618. ISSN: 2005-4238 IJAST Copyright 2020 SERSC
15. Oshepkova, V.V., & Solovyova, N.V. (2018). Spellonyms in the Mythonian system of the British folk tale. *Bulletin of Moscow State Regional University. Series: Linguistics.*, 2, 73–87. <https://doi.org/10.18384/2310-712X-2018-2-73-87>
16. Podolskaya, N.V. (1988). *A dictionary of Russian onomastic terminology*. Moscow. Nauka, 192 p.
17. Scrace, C., & Legg, G. (2006). *Dragons* (pp. 10-15). Book House. Great Britain.
18. Shesterkina, N.B. (2011). Myth as a cognitive paradigm. *The matters of cognitive linguistics* (2,40). Russian academic scientific magazine. Tambov, Russia.
19. Steblin-Kamenskiy, V.I. (1976). *Myth*. L: Nauka, 4-5.
20. *The explanatory dictionary of Uzbek language*. (2015). The letter M. Tashkent: The National Encyclopedia of Uzbekistan. State scientific publication, 2, 649 p.
21. The Morrigan: Phatom Queen and Shape-Lifter. Irish myth and legends.
22. www.ziyouz.com
23. www.britannica.com